2011 ЙИЛ 20 МАЙ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 98 (11.909)

Баҳоси эркин нархда

# БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Аҳоли дастурхонига

## ЯНГИ ДАСТГОҲЛАР КЕЛТИРИЛАДИ

**Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг юксак даражада қўллаб-қувватланаётгани, давлатимиз раҳбарининг иқтисодиётнинг ушбу секторига доимий эътиборлари ҳар иккала соҳанинг ривожланишида катта аҳамият касб этмоқда.**

Бунинг натижасида рақобатбардош маҳсулотлар тури кўпаймоқда, ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилмоқда, минглаб қўшимча иш ўринлари яратилмоқда. Бу эса эл-юрт фаровонлигини таъминлашда муҳим ҳисса бўлмоқда. Бундан бир неча йил олдин четдан келтирилаётган кўплаб маҳсулотларнинг ўзимизда тайёрланаётгани, аҳоли талаби, эҳтиёжи қондирилаётгани, шунинг баробарида экспортбоп товарларнинг хориж бозорида ўрин топаётгани фикримизни яққол исботлаб турибди.

— Корхонамиз жамоасининг асл мақсади аҳоли дастурхонига файз бағишлаб, унинг тўкинлигини таъминлашдир, — дейди «NEKTAR» масъулияти чекланган жамияти директори Ҳамидулла Ғаниев. — Ана шу эзгу ниятимизни амалга ошириш учун кичик цехни ижара асосида ташкил этган эдик. Украинадан келтирилган дастгоҳларни ўрнатиб, илғор технологиялар асосида қандолат маҳсулотлари тайёрлашни бошладик. Аввалига бир неча ишчи билан 2-3 хил карамель конфетлари ишлаб чиқарган бўлсак, йил сайин ривожланишга ҳаракат қилдик. Натижа эса кутилганидек бўлмоқда.

Бугунги кунда корхона маҳсулотларининг тури 10 хилдан ортди. Қандолатчилар сафи эса 15 нафарга етди. Энг муҳими эса асосан тадбиркор мутасаддилар «Обод» маҳалласида истиқомат қиладиган ёшлар учун иш ўринлари яратишмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш ҳажми ва шунга кўра кўрилган фойда салмоғининг ортиши яхши самара бериб, 2003 йилда ижарадаги жой сотиб олинди ва 2007 йилда улар лойиҳада кўзда тутилган қувватга тўла эришишди.

Ҳозирги кунда корхона маҳсулотларига республикамизнинг барча ҳудудларида талаб катта. Шу боис ҳам бозорда ўз ўрнига эга бўлиб бораётган қандолат усталари маҳсулот тури ва сифатини ошириб боришмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жорий йилда Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус» кўрик-танловида иштирок этган тадбиркорлар махсус соврин ва диплом билан тақдирланишди.

Изланиш асосида иш юритиб, яратилаётган ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланаётган жамоада Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида қўшимча иш ўринлари яратиш, бир нечта янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга жорий этиб, аҳоли дастурхонига тортиқ қилиш кўзда тутилмоқда. Янги технологик жиҳозлар келтириш ҳам режалаштирилган бўлиб, шу асосда маҳаллий хом ашёдан янада рақобатбардош қандолат маҳсулотлари тайёрланади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**
**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

**Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 6 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ жойларда энг улуғ, энг азиз айёмга бағишланган кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.**

## БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

«Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган тадбирларда айниқса, ёшлар фаол иштирок этаётир. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Тошкент солиқ коллежида ташкил этилган «Инсон ҳуқуқлари – энг олий қадрият» деб номланган учрашувда ҳам бу жиҳатлар ўз ифодасини топди.

Тадбирда мустақиллик йиллари мамлакатимизда демократик давлат қуриш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, барча соҳаларда ривожланиш ва юксалиш даври бўлгани алоҳида таъкидланди. Коллеж ўқувчиларига инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, аҳолининг ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтиришнинг аҳамияти ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси мамлакатимизда ратификация қилингани, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги каби қонунларнинг қабул қилингани бунда муҳим омил бўлаётир.

Мутахассислар ўқувчиларга ушбу ҳужжатларнинг ёшлар ҳаётидаги аҳамияти ҳақида гапириб бердилар.

**(ЎзА)**

«Осиё чемпионати — 2011»

## ТОШКЕНТДА КУРАШ БАЙРАМИ

**Пойтахтимизда эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича Осиё чемпионати бошланди.**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур нуфузли мусобақанинг очилиш маросимида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда аҳолини, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёш авлодни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бундай ғамхўрлик самараси ўлароқ, жаҳон ареналарида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган спортчилар сафи тобора кенгайиб, Ўзбекистон спорт жадал ривожланаётган мамлакат сифатида халқаро миқёсда кенг эътироф этилмоқда.

– Ўзбекистонда барча спорт тадбирлари юксак савияда ташкил этилишига кўп бор гувоҳ бўлганман, – дейди Халқаро спорт курашлари федерацияси – ФИЛА президенти Рафаэль Мартинетти. – Осиёнинг кўплаб истеъдодли курашчиларини жамлаган бу галги мусобақа ҳам ана шундай нуфузли турнирлардан биридир.

*(Давоми 2-бетда)*



## ОБОД ШАҲРИМ — ОЗОДА ШАҲРИМ

**ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!**

***Бу йил Энг улуғ, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги кенг нишонланади. Гўзал пойтахтимизнинг янада кўркам бўлиши, кўчаларимизнинг орасталиги, маҳаллаларимизнинг озода ва ободлигига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.***

*ҲАР ШАНБА — ОЗОДАЛИК КУНИДА барчамиз фаол иштирок этайлик!*



## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **КЕЧА** Тошкент Ахборот технологиялари университетида «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» мавзуида адабий кеча ўтказилди.

✓ **БУГУН** Ўрта махсус, касб-ҳунар бошқармаси ташаббуси билан «Яккасарой» спорт мажмуасида таълим муассасалари жамоалари ўртасида футбол мусобақалари ташкил этилди.

✓ **КЕЧА** Оила маросимлари маркази қошидаги ёш оила қурувчилар мактабининг якуний машғулотида энг фаол ҳамкор ташкилотлар ва талаба-ёшларга сертификат ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, мутахассис-экспертлар ҳамда ОАВ ходимлари иштирокида «Ердан оқилона фойдаланиш ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш» мавзусида амалий семинар ташкил этилди.**

**● Самарқанд вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ташаббуси билан «Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.**

**● Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округга қарашли Қарши сержантлар тайёрлаш мактабининг навбатдаги битирувчи курсантларига кичик сержант мутахассислигини эгаллаганликлари ҳақидаги сертификат ва кўкрак нишонини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.**

**● Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманида бўлиб ўтган семинар давлатимиз раҳбарининг шу йил 4 апрелда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва уларнинг фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мазмун-моҳиятини хусусий сектор вакилларига тушунтириб бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланди.**

**● Гулистонда Республика Байналмилал маданият маркази ҳамда «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ҳамкорлигида «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида ташкил этилган дўстлик фестивалининг Сирдарё вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

**● Гулистон шаҳрида «Ўзбек Лизинг Интернэшнл» компанияси лизинг асосида олинадиган хориж технологияларининг тақдимотини ўтказди. Унда Сирдарё вилоятидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.Тадбирда ўндан зиёд хорижий компанияларда ишлаб чиқарилган техник ускуналар намойиш этилди.**

**● «Миллий рақслар жозибаси» кўрик-танловининг Андижон вилоят босқичи ўтказилди. Унда қуйи босқичда ғолибликни қўлга киритган иқтидорли ёшлар қатнашди. Танлов иштирокчилари белгиланган шартларга асосан миллий рақслар ижроси бўйича маҳоратларини синовдан ўтказди.**

### ЖАҲОНДА

**● Каракас шаҳрида Лотин Америкасининг 32 мамлакати вакиллари иштирокида ўтказилган анжуманда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози нохуш таъсирларини енгиб ўтиш масалалари муҳокама этилди.**

**● МДҲ давлатлари ҳукуматлари раҳбарлари Халқаро валюта жамғармаси президентлигига Г.Марченконинг номзодини қўллаб-қувватлашди.**

**● Аргентинада унчалик катта бўлмаган самолёт фалокатга учради. Кўнгилсизлик мамлакат пойтахти Буэнос-Айрес шаҳридан 1850 километр олисда жануби-ғарбий ҳудудда юз берган бўлиб, натижада самолёт бортида бўлган 19 нафар йўловчи ва уч нафар экипаж аъзоси ҳаётдан кўз юмди. Фалокат сабаблари ҳозирча номаълум.**

**● Кеча Туркияда бир нечта зилзила рўй бериб, уларнинг энг кучлиси Рихтер шкаласи бўйича олти баллни ташкил этди. Ер қимирлаши оқибатида камида икки киши ҳалок бўлди.**

**● Сибирь, Урал ва Узоқ Шарқда рўй берган ўрмон ёнғинларининг сони кейинги бир кун ичида сезиларли даражада ошиб, 250 тага яқинлашиб қолди. Қуруқ ва иссиқ ёмғирсиз ҳаво ёнғинларни бартараф этишни қийинлаштирмоқда.**

**● Кеча Москвада моҳир кардиожарроҳ Лео Бокерия томонидан тиббиёт тарихида илк бор жуда ноёб операция амалга оширилди. 24 ёшли туғма юрак пороги хасталигига чалинган аёл юрагига ҳайвон био клапани ўрнатилди.**

**● Колумбияда сурункали ёққан ёмғир кучли сув тошқинларини келтириб чиқарди. Ушбу табиий офат оқибатида 452 киши ҳаётдан кўз юмган, 3,4 миллион нафар аҳолининг одатий ҳаёт тарзи издан чиққан. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириладиган қарийб 1,2 миллиард гектар экин майдони сув остида қолган.**

**Нон — дастурхонимиз кўрки, фаровон ҳаётимиз белгиси. Шукрки, бу азиз неъмат юртимизда сероб. Бу сахий заминимиз, серқуёш юртимиз, қўли гул новвойларимиз, заҳматкаш деҳқонларимизнинг меҳнати туфайлидир.**

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

# ДАСТУРХОНИМИЗ КЎРКИ, ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ БЕЛГИСИ

Дўконларимиздаги нон ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан замонавий технологиялар асосида пиширилаётган турли хилдаги нон ва нон маҳсулотлари аҳолига манзур бўлмоқда. Чунки, исталган ҳажмдаги қолипларда тайёрланган нонлар дўконда доимо муҳайё.

Аҳолига бундай маҳсулотларни етказиб беришга «Тошкент-нон» ишлаб чиқариш уюшмаси муносиб ҳисса қўшмоқда. Уюшма раиси Искандар Қосимовнинг маълум қилишича, тизимдаги 40 та нон ишлаб чиқариш корхонасида 60 турдаги нон ва нон маҳсулотлари тайёрланмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 36 минг тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 37 фоиз кўп демакдир. Тизимдаги корхоналарнинг замонавий технологиялар билан жиҳозлангани бунда муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, «Сумбула-нон», «Саховат-нон» каби корхона ва «Боғистон-нон» қўшма корхонасидан кунига 15 тоннадан зиёд турли хилдаги нон ва нон маҳсулотлари истеъмолчиларга етказиб берилаётир.

Тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати, уларни темир моддаси ва инсон учун фойдали қўшимча микроэлементлар билан бойитиш доимий эътиборда. Маҳсулотларни сақлаш жараёнида гигиена қоидаларига тўла риоя қилинишини таъминлаш мақсадида нон маҳсулотларини ичидан ҳавоси сўриб олинган пакетларда қадоқлаш йўлга қўйилди. Ноннинг сақланиш муддати очиқ ҳолда 24 соат бўлса, бундай усулда маҳсулотлар бир неча кун ўзининг яроқлилик даражасини йўқотмайди.

Айни пайтда турли хасталикларга, жумладан, қанд касали, ошқозон, ичак йўлларида муаммоси бўлган беморлар учун майдаланган буғдой ва кепак аралашмаларидан турли кўриниш ва ҳажмдаги нонлар тайёрланмоқда. Ошқозон, ичак касалликларига чалинган беморлар учун тузи нисбатан паст, қотирилган нон ишлаб чиқарилаётган бўлса, буйрак, юрак-қон томирлари касалликлари билан хасталанганлар учун тузсиз маҳсулотлар – тешик кулчалар ва қотирилган нон тайёрланмоқда.

Юнусобод туманидаги «Сумбула-нон» масъулияти чекланган жамияти нон ишлаб чиқариш корхоналари орасида пешқадамлардан. Бу ерда тайёрланаётган нон маҳсулотлари жуда харидоргир. Замонавий технология асосида ишлаб чиқарилаётган қолипли нон, патир, жавдар нон, турли булочка маҳсулотлари хуштаъмлиги, нархининг нисбатан арзонлиги билан истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

– Ҳар куни темир моддаси ва йод билан бойитилган ундан қолипли ва 14 хилда шифобахш нон тайёрланмоқда, – дейди ЎзА мухбирига корхона раҳбари Тоҳир Одилов. – Цехларимизга ўрнатилган замонавий линиялар маҳсулот сифатини яхшилашда қўл келмоқда. Корхонамизда қарийб эллик нафар ишчи уч сменада меҳнат қилаётир.

– Уч йил аввал туманимиздаги кимё-технология коллежини тугатиб, шу корхонага ишга кирдим, – дейди Баҳром Гуломов. – Малакали новвой Даврон Мелибоевдан касб сирларини пухта ўрганиб, ҳозир нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини бошқаряпман. Айниқса, йодланган батон, «Баҳор», «Пахтаой» булочкалари, «Иштаҳа», «Дармон» жайдари нонлари ва ёғли патирларимизнинг кўриниши чиройли, сифати юқорилиги боис харидори кўп.

Харидорларга қулайлик яратиш мақсадида корхона қошида ихтисослашган дўкон фаолият юритмоқда. Шунингдек, «Сумбула-нон» маҳсулотлари пойтахтимиздаги етмишга яқин дўконга махсус автомашиналарда етказиб берилмоқда.

– Илгари нон дўконлари кам, маҳсулот тури эса саноқли бўларди, – дейди харидор Лола Маҳкамова. – Истиқлолимиз шарофати билан юртимиз ободликка, халқимиз фаровонликка эришди. Энди дўконлардан иссиққина, мазали нон маҳсулотларини эҳтиёжимизга яраша харид қиламиз.

**Сайёра ШОЕВА**

# ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

**Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан жорий йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилингани мамлакатимизда мазкур соҳанинг янада равнақ топишига кенг йўл очмоқда.**

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётгани самарасида юртимизда янада қулай бизнес-муҳит яратилаётир. Хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган меъёрий ҳужжатлар такомиллашаётгани бунда муҳим омил бўлаётир.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида мазкур йўналишдаги қонун ҳужжатлари ижроси ва уларни янада такомиллаштириш борасида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ ҳамда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмиталари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Ж.Исмоилов, Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Б.Мусаев мамлакатимизда тадбиркорликнинг тобора ривожланаётгани иқтисодиётимиз барқарорлиги, халқимиз фаровонлигига хизмат қилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 4 апрелда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширишлар тартиби янада такомиллаштирилди. Жумладан, янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширувларидан ўтказилмайди. Аввалги меъёрларга кўра, янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида режали текширувлардан ўтказилмасди. Бу муддатнинг яна бир йилга узайтирилгани ўз бизнесини йўлга қўяётганлар учун катта имкониятдир.

Бундан ташқари, 2011 йилнинг 1 апрелидан 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларини ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тақиқланди. Ушбу меъёрга биноан текширишларнинг 2011 йил режа–жадвалидан 627 кичик бизнес субъекти чиқарилди. Яъни уларнинг молия-хўжалик фаолиятида текшириш ўтказилмайдиган бўлди.

Умуман олганда, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирлар ижроси бўйича жорий йилнинг апрель-декабрь ойларида солиқ идоралари томонидан текширилиши мўлжалланган кичик бизнес субъектларининг 21 фоизи текширишлар режасидан чиқарилди.

Президентимизнинг шу йил 12 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш борасида қатор қўшимча енгилликлар яратилди.

Тадбиркорлик субъектлари бу каби имкониятлардан унумли фойдаланиши учун Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан уларга зарур қулайликлар яратилмоқда. Жумладан, ўзаро сифатли электрон ахборот алмашинувини жорий этиш, давлат солиқ хизмати органлари ишининг самарадорлигини оширишга қаратилган ўттизга яқин дастур амалиётга татбиқ этила бошланди ҳамда солиқ тўловчиларга ўндан ортиқ интерактив, яъни қоғозсиз, масофадан туриб хизматлар кўрсатилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан соғлом рақобат муҳитини яратишга қаратилган ишлар изчил давом эттирилмоқда. Монопол корхоналар ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тенг шароитлар яратиш борасида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги 15 йил мобайнида олиб борилган монополияга қарши сиёсат натижасида монополист корхоналар сони 828 дан 178 гача, монопол маҳсулотлар сони 5186 дан 157 гача камайди. Монопол маҳсулот ва хизматларнинг республика ялпи ички маҳсулотдаги улуши 19,3 фоизгача пасайди.

Бундан ташқари, монопол маҳсулотларнинг биржа савдолари орқали сотилиши йўлга қўйилгани хусусий тадбиркорлик субъектларини монопол корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва хомашёдан эркин фойдаланиши учун қулай шароит яратмоқда. Хусусан, монополия соҳаларида рақобатлаша оладиган тармоқларни аниқлаш мақсадида 23 табиий монопол субъект фаолияти, жойлардаги 37 сув таъминоти корхонаси ва 12 иссиқлик таъминоти корхонаси молия-хўжалик фаолияти ўрганилди ва таҳлил қилинди. Айрим коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг харажатлари таркиби қайта кўрилиб, амалдаги тарифларни пасайтиришга эришилди.

Матбуот анжуманида ушбу йўналишда журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб қайтарилди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

**Банклар ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг энг муҳим тармоқларидан бирига айланиб бормоқда. Бозор иқтисодиёти шароити хоҳ жисмоний, хоҳ юридик шахс бўлсин, банк хизматидан фойдаланишни тақозо этмоқда.**

# МИЖОЗЛАРНИНГ ЯҚИН ҲАМКОРИ

— Филиалимизда тадбиркорларнинг ўз бизнесларини ривожлантириши, ишлаб чиқаришга мўлжалланган инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириши учун миллий ва хорижий валютадаги сармоялар жалб этиш, энг кам иш ҳақининг минг бараварига қадар миқдорда микрокредитлар олиш имконияти мавжуд, — дейди «Ипотекабанк» АТИБ Олмазор филиали кредит бўлими бошлиғи Фурқат Дадабоев. — Мижозлар саноат тармоғидаги кичик корхоналарни молиялаштиришга мўлжалланган кредитлар тизимидан ҳам замонавий технологиялар харид қилиш йўлида фойдаланишлари мумкин.

Бундан ташқари, фуқароларнинг уй-жой қурилиши, таъмирлаш, бирламчи ва иккиламчи уй-жой сотиб олиш ҳамда таълим кредитларидан унумли фойдаланишлари учун қатор имкониятлар яратилган. Энг муҳими, бу ерда «Банк-мижоз» маслаҳат гуруҳи ташкил этилган бўлиб, ушбу хизмат туридан ҳар бир фуқаро фойдаланиши, тегишли маслаҳат, йўл-йўриқлар олиши мумкин.

— «Ипотекабанк» АТИБ Олмазор филиалида тадбиркорлар бурчаги ташкил этилган, — дейди банк масъул ходими Элнора Рашидова. Унда компьютер, телевизор, кондиционер, ксерокс, факс ва турли банк хизматлари бўйича буклетлар мавжуд. Банк ва тадбиркорлик фаолиятига оид Президентимизнинг, Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банкнинг қарорлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Тадбиркорлар учун барча шароитлар қаторида интернетга кириб, керакли маълумотлар олиш, «Норма» дастуридан фойдаланиш, жаҳондаги бўлаётган иқтисодий ва сиёсий янгиликлар ҳақида маълумотга эга бўлиш ва бошқа қулайликлар яратилган.

Тадбиркорлар бутунлай мамнун бўлиши мақсадида банк «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шиорини ҳаётда амалга оширишга ҳаракат қилмоқда.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**

# ТОШКЕНТДА КУРАШ БАЙРАМИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Эркин ва юнон-рум кураши юртимизда кенг оммалашган олимпия спорт турларидан. Мамлакатимизда турли йилларда эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати, кадетларнинг Осиё чемпионати, биринчи ўсмирлар Олимпиадасининг Осиё саралаш турнири каби нуфузли мусобақалар юқори савияда ташкил этилган. Айниқса, пойтахтимизда 1997 йилдан буён ўтказиб келинаётган ва дунёнинг нуфузли халқаро турнирларидан бири сифатида Халқаро спорт курашлари федерацияси – ФИЛАнинг "Олтин Гран-при" туркумига кирувчи "Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги" мусобақаси жаҳон спортида юқори мавқега эга.

Ўзбекистонлик полвонлар Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида мунтазам совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Мамлакатимиз эркин ва юнон-рум курашчилари спорт оламининг энг нуфузли мусобақаси – ёзги Олимпия ўйинларида учтадан олтин ва кумуш медалларга сазовор бўлган.

– Президентимиз Ислом Каримов томонидан ёшлар камолоти йўлида яратилаётган кенг имкониятлар биз, спортчиларнинг халқаро майдонларда юксак муваффақиятларга эришишимизда муҳим омил бўлмоқда, – дейди юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпиони Дилшод Орипов. – Бу бизни доим ғалабага руҳлантиради, кучимизга куч қўшади. Билдирилган ишончни оқлаш ва Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиш бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Ўзбекистонда малакали спортчиларни тарбиялашнинг ўзига хос тизими яратилган. Нафақат шаҳар ва туман марказларида, балки чекка қишлоқларда ҳам замонавий спорт иншоотлари қурилиб, жаҳон талаблари даражасида жиҳозланмоқда. Ўғил-қизларга тажрибали мураббий ва мутахассислар устозлик қилмоқда. Ана шундай эътибор ва ғамхўрликдан баҳра олиб вояга етаётган ёш спортчилар, жумладан, истеъдодли курашчиларимиз ҳам халқаро майдондаги мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. Ўтган йили Сингапурда илк маротаба ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги Олимпия ўйинларида юнон-рум курашчиларидан Нурбек Ҳаққулов кумуш, Руслан Комилов бронза, эркин курашчи Диёрбек Эргашев ҳамда хотин-қизлар кураши бўйича Нилуфар Гадоева бронза медални қўлга киритди.

«Ўзбекистон» спорт мажмуасида бошланган Осиё чемпионатида қитъамизнинг йигирмадан зиёд мамлакатидан икки юз нафардан ортиқ спортчи ғолиблик учун куч синашмоқда. Уларнинг орасида Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари ғолиб ва совриндорлари кўпчиликни ташкил қилади. Нуфузли мусобақанинг эркин ва юнон-рум кураши бўйича беллашувларида мамлакатимиз шарафини Дилшод Орипов, Азиз Муродов, Элдор Ҳафизов, Артур Таймазов, Қурбон Қурбонов, Заурбек Сохиев, Ихтиёр Наврўзов каби тажрибали полвонларимиз билан бир қаторда истеъдодли ёш спортчилар ҳам ҳимоя қилмоқда. Хотин-қизлар курашида эса Нилуфар Гадоева, Гулмира Исматова, Гавҳар Мирзаева, Мафтуна Миралиева, Саломат Кўчимова ҳамда Ойимгул Алламуродова гиламга чиқади.

Мусобақанинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов иштирок этди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

**Бутун дунёда «аср вабоси» дея ном олган одам савдосига қарши курашишда халқаро миқёсда талай саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Ушбу йўналишда мамлакатимизда олиб борилаётган ишларни сарҳисоб қилиш ва бу борада оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни кучайтириш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда матбуот анжумани ўтказилди.**

Қонун ва ижро

# ҲУҚУҚЛАРИМИЗ ТАЪМИНЛАНИШИ КАФОЛАТИ

Тадбир бошида таъкидлаб ўтилганидек, эркинлик – инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти ҳисобланади. Кимгадир тобе бўлиб, аниқроғи, қулликда яшаётган одам эса бундай имкониятдан бутунлай чеклангандир. Дунёга келган ҳар бир инсон эркинлик лаззатидан баҳраманд бўлиб яшаши лозим. Давлатимиз Бош Қомусида инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари олий қадрият дея белгиланганни шу боисдандир. Демак, Истиқлол аждодларимизнинг асрий орзуларини рўёбга чиқарган, бизга эркинлик берган олий неъматдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқларимизни таъминловчи демократик давлат ва фуқаролик нуқтаи назаримизни ифодаловчи кучли жамиятни барпо этиш йўлида кўлами кенг ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Асосийси, бу борада қонунчилик-ҳуқуқий негиз шакллантирилиб, замон талабидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллашиб бормоқда. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ҳолда уюштирилаётган кўплаб тадбирлар ҳам муҳим аҳамият касб этаётир.

– Ҳозирда бу масала янада долзарб бўлиб қолмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси бош прокурори ўринбосари Алишер Шарафиддинов. – Чунки, масалан, одам савдоси домига тушиб қолганлар айнан ўз ҳуқуқини билмагани, эркинлигидан маҳрум бўлаётганини англамагани сабаб жабр тортмоқда. Маълумки, бундай жиноятларнинг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Жиноят-процессуал кодексига одам савдоси билан шуғулланувчи шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Давлатимиз раҳбарининг алоҳида фармонига асосан жабрланганларни соғлом турмушга қайтариш марказлари ташкил этилмоқда. Пойтахтимиздаги шундай марказда 300 дан ортиқ шахс махфий тарзда тиббий-психологик муолажа жараёнидан ўтди. Уларнинг уй-жой, бандлик масаласи имкони борича ҳал этилмоқда. Умуман, аҳолини бундай иллатлардан ҳимоя қилиш, одам савдосидан мўмай пул топиш ниятидаги жиноятчиларнинг ёлғон-яшиқ гапларига кириб, фуқароларимизнинг алданиб қолмаслиги учун зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хорижга чиқувчилар учун тегишли мазмундаги тўрт мингдан ортиқ плакатлар тарқатилди. Бундан ташқари, республикамиз бўйлаб гавжум жойларда мингдан ортиқ ижтимоий рекламалар жойлаштирилди. Мутахассислар ҳамкорлигида тайёрланган видеороликлар телевидение орқали мунтазам бериб борилади. Мутасадди ташкилот ходимларининг матбуот саҳифаларида кўплаб мавзуга доир мақолалари чоп этилди. Ҳуқуқий саводхонликни ошириш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мақсадида жойларда мутахассислар иштирокида бир ярим мингдан ортиқ давра суҳбатлари уюштирилди.

Маълумот ўрнида келтириб ўтилганидек, банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш борасида минглаб қўшимча иш ўринлари яратилди, ҳозирда ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар давом эттирилмоқда. Глобал муаммога айланган одам савдосига қарши курашиш борасида халқаро шартномалар имзолангани ҳам эътиборга лойиқ. Республикамиз бўйича олиб борилган тушунтириш ишлари самарадорлигини аниқлаш мақсадида ўтказилган сўровномаларга қараганда, респондентларнинг 96 фоизи тегишли маълумотга эга. 2009-2010 йилларда трансмиллий жиноятдан азият чекканлар сони 44 фоизга камайган бўлса, жорий йилнинг биринчи чораги якуни бўйича ушбу кўрсаткич деярли 38 фоизни ташкил этди. Суҳбатдошимиз фикри билан айтганда, барча қилинаётган хайрли ишлар замирида ягона мақсад мужассам, у ҳам бўлса инсонни, унинг манфаатларини энг олий қадрият сифатида улуғлаш, ҳар бир фуқаро давлат ҳимоясида эканлигини онгига сингдиришдир.

Дарҳақиқат, бугунги кунда жаҳон миқёсида одам савдоси билан боғлиқ муаммолар вужудга келмоқдаки, уларни ҳал этиш учун ўз вақтида ва фақат бирдамликда кураш олиб бориш лозимлигини давр тақозо этмоқда. Албатта, бу борада маҳалла-кўй, ота-оналар фарзандларига бўлган эътиборни янада кучайтиришлари лозим. Қолаверса, ҳар биримиз одам савдосига қарши курашишни бурчимиз деб қабул қилиб, лоқайдлик хислатлардан йироқ бўлишни ҳам унутмайлик.

Матбуот анжумани сўнгида бу ҳақда кенг баҳс юритилиб, ҳар қандай иллат ва жиноятларнинг олдини олишда ҳамжиҳатлик муҳимлиги, айниқса ҳуқуқ-тартибот идоралари ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш лозимлиги яна бир бор таъкидланди.

**Садоқат АСЛАНОВА**

# САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК



**Фарзанд — оила қувончи, умид юлдузимиз, борлиғимиз. Бийрон тиллари билан гапириб, қийқириб ўйнаб юрган жажжи кичкинтойимизнинг тоби қочиб, иситмаси кўтарилгудек бўлса, дарду дунёмиз қоронғу бўлиб, ўзимизни қўярга жой тополмай қоламиз. Шундай ҳолатда албатта саломатлигимиз посбонлари жонимизга оро киради.**

Қарор ва ижро

## БОЛАЖОНЛАР САЛОМАТЛИГИГА БАРЧА МАСЪУЛ

Пойтахтимизда ёш авлод саломатлигини муҳофаза қилишда бир қатор шифо масканлари самарали фаолият кўрсатмоқда.

4-шаҳар юқумли касалликлар клиник шифохонасида ҳам малакали шифокор ва ҳамширалар кичкинтойлар соғлиғини тиклашда сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

— Соғлом авлод — соғлом келажак демакдир. Ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш, муҳофаза қилиш бизнинг бурчимиз, — дейди шифохона бош шифокори Мактуба Иноятова. – Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори биз, тиббиёт ходимлари учун муҳим дастуруламалдир. Клиникамиз 150 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда асосан ўткир юқумли ичак касалликлари ва вирусли гепатит билан оғриган болалар даволанади. 20 ўринли чақалоқлар бўлимида ўткир диарея касаллиги билан оғриган болажонлар қатъий назорат остида даволанади.

Шифохонада реанимация, диагностика бўлимлари бор, беморларга ҳар томонлама аниқ ташхис қўйиш учун кардиолог, невропатолог, жарроҳ, УЗД, диспансеризация хоналари мавжуд. Улар тўлиқ замонавий тиббий ускуналар билан таъминланган. Бу каби қулай имкониятлар сифатли хизмат кўрсатишда қўл келаётир.

Шифо масканида 240 та тиббиёт ходими бўлиб, булардан 13 нафари олий тоифали шифокорлардир. 140 нафар ҳамширанинг ҳаммаси юқори малака ва тажрибага эга, 83 нафари – ёш мутахассислар. Бу ерда Тошкент Педиатрия-тиббиёт институтининг юқумли касалликлар кафедраси жойлашганлиги шифохона ходимларига доимий амалий ёрдам ва қимматли маслаҳатлар олишда қўл келмоқда. Шу билан бирга ҳар йили шифокор ва ҳамширалар малакалари ошириб борилади. Болажонлар дардига малҳам бўлаётган М. Тоҳирова, Ж. Носирова, Д. Аҳмаджонова, А. Ўлжаева, Х. Алиакбаров сингари малакали шифокорларимиздан кўпчилик миннатдор.

2008 йилда янгидан қурилиб, замонавий қиёфага эга бўлган шифохонада беморлар учун барча шароитлар яратилган. Айниқса, кўкаламзорлаштирилган ва ободонлаштирилган шифохона ҳудуди киши диққатини ўзига тортади. Албатта, бемор болаларнинг тоза ҳавода сайр қилиши ҳам улар саломатлигини тиклашга ижобий таъсир кўрсатади.

**Дилором ИКРОМОВА**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

**Оила жамиятнинг муҳим қадрияти ҳисобланади. Икки ёшнинг соғломлиги янги оила пойдеворининг мустаҳкам бўлишига асос яратади.**

Қизлар ва йигитлар ота ва она бўлишга 20 ёшдан кейин жисмонан ва руҳан тайёр бўлади. Демак, турмуш қуришга ҳам шу ёшдан жазм қилган маъқул. Эрта турмуш қуриш кўпинча фарзандсизликка, боланинг ой-куни етмай туғилишига сабаб бўлиши мумкин. Бунинг устига, эрта ҳомиладор бўлиш туғиш жараёнида она ва боланинг соғлиғига хавф солади.

Аёллар учун фарзанд кўришнинг энг қулай, мақбул даври 20 ёшдан 30 ёшгача бўлган оралиқ ҳисобланади.

## СОҒЛОМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Фарзанд ҳаётимиз мазмуни. Соғлом, бақувват, ақлли зурриётларни вояга етказиш ҳар бир ота-онанинг орзу-умиди. Шуни унутмаслик керакки, ота-оналар соғлом бўлсаларгина, улардан жисмонан ва ақлий жиҳатдан соғлом фарзандлар дунёга келади. Шу боис ёшларнинг никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишлари муҳим аҳамиятга эгадир. Тиббий кўрикдан ўтиш жараёнида касаллик аниқланса, уни албатта никоҳгача даволатиш мақсадга мувофиқ. Бу келажакда соғлом фарзанд кўришга замин яратади.

Фарзанд соғлом бўлиб ўсишида она сутининг аҳамияти беқиёс. Тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино она сутини қуёш нури билан қиёслаган. Қуёш нури табиатга қанчалик зарур бўлса, бола учун она сути шунчалик муҳимдир. Бола ҳаётининг дастлабки олти ойида уни фақатгина кўкрак сути билан боқиш, ундан бошқа ҳеч нарса бериш керак эмас. Айтиш жоизки, бола туғилган кундан бошлаб кўкрак сути билан тўлиқ таъминланса, бу ҳам она, ҳам бола организми учун катта аҳамиятга эга. Она сути таркибида бола учун зарур бўлган барча озуқа моддалар бор. Она сути сунъий сутга нисбатан енгил ҳазм бўлади ва бола организмида бузилиш юз бермайди. Кўкрак сути болани кўпгина юқумли касалликлардан асрайди ва натижада у соғлом бўлиб вояга етади. Чақалоқ ҳар хил касаллик ва инфекциялардан ҳимояланади. Дастлабки олти ой давомида фақатгина кўкрак сути билан боқилган чақалоқлар ичкетар, ўткир нафас йўллари инфекциялари, камқонлик каби касалликлар билан сунъий боқилган чақалоқларга нисбатан камроқ касалланади. Она сути болани барча суюқликлар, витаминлар, оқсиллар, ёғлар ва бошқа озуқа моддалари билан таъминлайди, энг асосийси – она ва бола ўртасида меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантиради ва мустаҳкамлайди.

Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки ҳар йили кетма-кет бола туғиш она организмига салбий таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида она касалманд, нимжон, камқон ва турли хасталикларга мойил бўлиб қолади. Она организмининг заифланиши, ўз навбатида, ҳомиланинг соғлом ривожланишига имкон бермайди.

**Нигора ПЎЛАТОВА,**
**Чилонзор тумани тиббиёт бирлашмаси бош педиатри**

Мутахассис маслаҳати

## ИНСОН ВА АТРОФ-МУҲИТ

**Инсон ҳаёти давомида табиатнинг беминнат саховати, инъоми ва марҳаматидан доимо баҳраманд бўлади. Шундай экан, инсоният ва атроф-муҳит бир-бири билан чамбарчас боғлангандир. Лекин инсонлар томонидан йўл қўйилаётган айрим ҳаракатлар атроф-муҳитда экологик муаммолар келиб чиқишига ҳам сабаб бўлмоқда.**

Иқлимнинг ўзгариши, атмосферанинг ифлосланиши, озон қатламининг емирилиши шулар жумласидан. Бундай глобал муаммоларнинг келиб чиқиши нафақат она табиатга салбий таъсир ўтказади, балки жамики мавжудот, инсонлар соғлиғига ҳам катта хавф солиб келмоқда. Инсонларнинг атроф-муҳитга келтираётган зарари атмосфера ҳавосининг ифлосланиши тобора кучайиб боришига ва турли юқумли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Ҳаво ифлосланишида автотранспортнинг таъсири ошиб бормоқда.

Ҳаводa олтингугурт оксиди кўп тўпланиб қолса, кишиларда бронхит, гастрит, ўпка касалликлари вужудга келади. Углерод оксидининг ҳавода кўпайиши натижасида организмда гемоглобин камаяди, юрак қон-томир тизимлари бузилади, бош айланади, юрак тез уриб, уйқу бузилади. Водород сульфид газининг ортиб кетиши натижасида бош оғрийди, бурундан қон келади, тумов пайдо бўлади.

Шаҳар шароитида инсон соғлиғи учун зарарли атмосфера ҳавосидан кейин салбий таъсир қилувчи иккинчи омил бу — шовқиндир. Катта шаҳарлардаги шовқин инсон умрини ўртача 8-12 йилга қисқартирар экан. Атроф-муҳитдаги салбий ўзгаришларнинг олдини олиш чораларидан бири атроф-муҳитни кўкаламзорлаштиришдир. Ўсимликлар шамол кучини пасайтиради, шовқинни камайтиради, ҳавони тозалайди, ҳароратни мўътадиллаштиради. Бу эса аҳоли саломатлигини яхшилашга ёрдам беради.

Атроф-муҳит озодалигини сақлашнинг чораларидан бири аҳоли ўртасида экологик таълим ва маданиятни шакллантириб боришдир. Озодалик остонадан бошланади. Яшаб турган уй-жойимизни қанчалик ораста сақласак, шунчалик турли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олган бўламиз. Бу эса келажак авлодимизнинг соғлом ва бақувват ўсишини таъминлайди.

**Мадина МУСАЕВА,**
**Саломатлик ва тиббий статистика институти шаҳар филиали шифокори**

**Турли мева-сабзавотлардан доимо оз-оздан истеъмол қилинса, саломатлигимизни янада мустаҳкамлаган бўламиз. Мева-сабзавотларда дармондорилар борки, улар ҳар қандай қимматбаҳо дорининг ўрнини босади.**

## БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

**Лимон** — бириктирувчи тўқима ва суяк тузилишини мустаҳкамлайди. Унда С витамини кўп бўлганидан организм-нинг турли инфекцияларга қаршилик кўрсатиш кучини, яъни чидамлилигини оширади.

**Банан** овқатнинг ҳазм бўлиши учун фойдали, меъда деворини аччиқ ва шўр овқатларнинг таъсиридан сақлайди. Бананни кўп истеъмол қилган одам меъда ярасига деярли учрамайди.

**Олхўри** бактерицид таъсир кўрсатади, ични юмшатади, овқат ҳазмини яхшилайди.

**Апельсинда** С витамини кўп, нафас қисишини анча енгиллаштиради, мускуллар ва милк касалликларига даво.

**Грейфрут** қон босимини туширади, холестеринни камайтиради.

**Ловия** холестерин миқдорини камайтиради, қонда қанд миқдорини меъёрига келтиради, маълум даражада простата бези ва кўкрак безлари ракининг олдини олади.

**Гулкарам** озишни ният қилганларга тавсия этилади, организмдаги чиқиндиларни чиқариб ташлайди ва холестерин миқдорини камайтиради.

**Сабзида** А витамини кўп, кўз нури учун жуда фойдали, юрак ишини яхшилайди.

**Картошка** калийга бой, яллиғланиш жараёнлари эҳтимолини камайтиради, ичакка тинчлантирувчи таъсир кўрсатади, фойдали парҳез сабзавот.

**Саримсоқ** табиий антибиотик, холестерин миқдорини камайтиради, профилактик восита, томир касалликларига шифо бўлади.

**Ширин қалампир** С витамини кўп, шамоллаш, астма, бронхит ва склерозда самарали омил ҳисобланади.


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан 29.10.2010 йилдаги № 1-6248/10-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Шифокорлар шаҳарчаси даҳасида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 82,72 кв.м. бўлган, 2 хонадан иборат 16-В уй, 4-хонадон уй-жой қўйилмоқда, бошланғич нархи - 28 000 000 сўм.

Аукцион савдолари 2011 йилнинг 16 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқоридаги кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 7 июль куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

2011 йил 2 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда: Ҳамза тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳри, Мўйноқ кўчаси, 241-уй «Шарқли Мелиса» жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 10.09.2008 йилдаги № 1-562/08-сон ижро варақасига асосан, 1981 йилда и/ч., дав.бел. 30 Р 06-14 бўлган «ВАЗ-2106» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 2 714 026 сўм. 2. 05.12.2009 йилдаги № 1-900/09-сон ижро варақасига асосан, 1983 йилда и/ч., дав.бел. 30 С 61-42 бўлган «М-412» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 285 773 сўм. 3. 26.09.2010 йилдаги № 1-504/09-сон ижро варақасига асосан, 1988 йилда и/ч., дав.бел. 10 AZ 071 бўлган «Камаз 53212» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 16 721 033 сўм. 4. 30.04.2009 йилдаги № 1-327/09-сон ижро варақасига асосан, 1987 йилда и/ч., дав. бел. 30 G 50-81 бўлган «Ваз-2106» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 2 894 368 сўм. 5. 21.08.2009 йилдаги № 2-81/09-сон ижро варақасига асосан, Файзиобод ТИФ божхона омборида сақланаётган, 1999 йилда и/ч., дав. .белгисиз бўлган «Тойота РАВ-4» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи - 17 670 679 сўм. 6. 31.07.2007 йилдаги № 1-364-09-сон ижро варақасига асосан, 1981 йилда и/ч., дав.бел. 10 К 86-14 бўлган «ВАЗ-21033» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 1 074 769 сўм. 7. 14.05.2008 йилдаги № 1-197-08-сон ижро варақасига асосан, 1986 йилда и/ч., дав.бел. 10 J 47-22 бўлган «М-412» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 516 560 сўм. 8. 29.12.2008 йилдаги № 1-765-08-сон ижро варақасига асосан, 1989 йилда и/ч., дав.бел. 30 I 89 85 бўлган «Маз 54322» русумли автотранспорт ва 1989 йилда и/ч., дав.бел. 10 С 364 бўлган «Маз 9397» тиркама воситалари, бош. нархи - 14 842 281 сўм. 9. 23.02.2007 йилдаги № 1-88-07-сон ижро варақасига асосан, 1996 йилда и/ч., дав. бел. 10 Y 878 бўлган «Фиат Темпра» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 3 638 052 сўм. Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан 04.03.2010 йилдаги 2-036-10-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Иззат кўчасида жойлашган, ум. ер майдони 450 кв.м. бўлган 6 та яшаш хонасидан иборат бўлган 34-уй (хонадон) қўйилмоқда, бош.нархи - 75 860 879 сўм.

Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Мўйноқ кўчаси, 241-уйда «Шарқли Мелиса» жарима майдончасида сақланаётган 03.09.2010 йилдаги № 1-612/10-сон ижро варақ. асосан, 2008 йилда ишлаб чиқ., дав.бел. ЛТЗ-60 АБ-10 бўлган трактор воситаси, бош. нархи - 27 231 390 сўм.

Аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан УК «Газчитранс» автокорхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 11.12.2008 йилдаги № 2-70-сон ижро варақасига асосан 1985 йилда и/ч., дав.-бел. 18 S 7789 бўлган «Камаз 53212» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 4 961 518 сўм. 2. 11.12.2008 йилдаги № 2-70-сон ижро варақасига асосан, 1983 йилда и/ч., дав.бел. 18 АЕ 862 бўлган «Камаз 5320» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 3 773 260 сўм. 3. 11.12.2008 йилдаги № 2-70-сон ижро варақасига асосан, 1990 йилда и/ч., дав.бел. 10 G 059 бўлган «Frueyauf» русумли тиркама воситаси, бош. нархи - 14 676 377 сўм. Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 28.10.2010 йилдаги № 26505/2-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчасида жойлашган, 3 та яшаш хонасидан иборат, майдони 140,10 кв.м. бўлган 115-Б уй (жой) қўйилмоқда, бош. нархи - 66 700 000 сўм. Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан 27.10.2010 йилдаги 1-5510/10-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 20-мавзеда жойлашган 8-уй, 17-хонадон (уй-жой) қўйилмоқда, бош нархи - 55 000 000 сўм.

Аукцион савдосига Чиноз тумани СИБ томонидан 30.04.2010 йилдаги № 2099-сон ижро ҳужжат. асосан, Тошкент вилояти суд департаменти биносида сақланаётган, 1990 йилда и/чиқ., дав.бел. 17 Х 7843 бўлган «Камаз-55102» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 15 547 487 сўм.

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан «Шайхонтоҳур Инвест» жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда: 1. 15.11.2010 йилдаги 16161/6-сон ижро ҳужжатига асосан, 2009 йилда и/ч., дав.бел. 01 F 626 СА бўлган «Каптива» русумли автотранс. воситаси, бош.нархи - 47 040 000 сўм.

Аукцион савдосига Янгийўл тумани СИБ томонидан 23.11.2010 йилдаги № 5-1343-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Гулбаҳор Матлубот савдо» омборида сақланаётган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, дав.бел. Х 428 CSN бўлган «Мерседес Бенц 200» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи - 11 749 320 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ «Ипотека банк»нинг Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206852268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: DB 001 №000003.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**





ЎзА олган суратлар

«Жаҳон чемпионати – 2011»

## ЎЗБЕКИСТОН «D» ГУРУҲИДА ЎЙНАЙДИ

**Мехико шаҳрида футбол бўйича 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатига қуръа ташланди.**

Жорий йилнинг 18 июнь – 10 июль кунлари Мексиканинг етти шаҳри – Мехико, Гвадалахара, Монтеррей, Морелия, Торреон, Пачука, Куэретаро мезбонлик қиладиган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида сайёрамизнинг энг кучли йигирма тўрт терма жамоаси ғолиблик учун куч синашади. Улар орасида жаҳон чемпионатларида уч мартадан зафар қучган Бразилия, Аргентина, АҚШ ва Германия ўсмирлар терма жамоалари билан бир қаторда ушбу нуфузли мусобақада илк маротаба қатнашаётган Ўзбекистон, Панама ва Руанда каби мамлакатлар футболчилари ҳам бор.

Мехикода ўтказилган қуръа ташлаш маросимида 24 терма жамоа олти гуруҳга ажратилди. Алексей Евстафеев шогирдлари жаҳон чемпионатининг «D» гуруҳида АҚШ, Чехия ва Янги Зеландия ўсмирлар терма жамоаларига қарши майдонга тушадиган бўлди. Мутахассислар ўзбекистонлик футболчиларнинг гуруҳдан чиқиш имкониятини юқори баҳоламоқда. Қоидага биноан, ҳар бир гуруҳдан дастлабки икки ўринни эгаллаган ҳамда учинчи ўриндаги энг яхши кўрсаткичга эга бўлган яна тўрт терма жамоа мусобақанинг плей-офф босқичига йўлланма олади.

Жаҳон чемпионатида Осиё қитъаси шарафини ҳимоя қиладиган яна уч мамлакат терма жамоалари ҳам маълум бўлди. Қитъамиз чемпиони сифатида тўп сурадиган Корея Халқ Демократик Республикаси вакиллари «А» гуруҳида Мексика, Нидерландия ва Конго футболчилари билан рақобатлашади.

«В» гуруҳига тушган Япония футболчилари Франция, Аргентина ва Ямайкага рўбарў келади. Осиё футбол конфедерациясининг яна бир аъзоси – Австралия вакиллари «F» гуруҳидан чиқиш учун Бразилия, Дания ва Кот д' Ивуар ўсмирларига қарши баҳс олиб боради.

Шунингдек, «С» гуруҳидан Уругвай, Канада, Руанда ва Англия, «Е» гуруҳидан Буркина-Фасо, Панама, Германия ҳамда Эквадор ўсмирлар терма жамоалари жой олди.

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси гуруҳ беллашувларини Торреон шаҳрида ўтказади. Ҳамюртларимиз 19 июнга белгиланган дастлабки учрашувда Океания минтақаси саралаш мусобақаси ғолиби – Янги Зеландия вакилларига қарши майдонга тушади. 22 июнь куни бўладиган иккинчи ўйинда Алексей Евстафеев шогирдлари америкалик ёш футболчилар билан рақобатлашади. Гуруҳдаги сўнгги учрашув 25 июнь куни Европа вакили – Чехия ўсмирлар терма жамоасига қарши ўтказилади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси**

Янги лойиҳалар

## «КАМАЛАК» АЪЗОСИМАН

**Бугун «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилоти томонидан ёш авлоднинг ижтимоий фаоллигини ошириш, истеъдод ва қобилиятларини ривожлантириш, соғлом турмуш маданиятини шакллантиришга қаратилган кенг кўламли маънавий-маърифий ишлар амалга ошириб келинмоқда.**

Хусусан, Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан» шиори остида ўтказилаётган бир қатор тадбирлар шулар жумласидандир. Куни кеча «Камалак» болалар ташкилотининг Бектемир туман бўлими томонидан мактабда намунали хулқи ва тиришқоқлиги билан тенгдошларига ўрнак бўлаётган, 10 ёшга тўлган ўғил-қизларни ҳаракат аъзолигига тантанали қабул қилиш тадбири «Камалак аъзосиман» лойиҳаси доирасида Амир Темур хиёбонида ўтказилди. Ўқувчилар кўтаринки руҳ билан она Ватанга содиқ ўғил-қизлар, тенгдошларига яхши дўст, жисмонан ва маънан комил инсонлар қаторида бўлишга қасамёд қабул қилдилар. Шундан сўнг улар Темурийлар тарихи Давлат музейида бўлиб, буюк Соҳибқирон номи билан юритилувчи ушбу гўзал кошонадаги экспонатлар билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, уларнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғига қилган саёҳатлари ҳам ғоятда мароқли бўлди, боғдаги турли аттракционлардаги кўнгилочар ўйинлар болажонлар кўнглини қувончга тўлдириб,тадбирнинг узоқ вақт ёдда қолишига хизмат қилди.

**Гулруҳ ЗОКИРОВА**

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ҲИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

***ДЎСТЛИК, ЎРТОҚЛИК ҲАҚИДА***

**Дўстнинг уйидаги чироқ ёруғидан дўстининг ҳам уйи ёруғ.**

**Дўст кўпайтиришнинг чегараси йўқ**

**Аччиқ гапирган дўстнинг ширини бўлавер.**

**Дўстликнинг лаззатини билмаган — яшамаган ҳисобида.**

**Дўстлик юрадиган сўқмоқни ўт босмайди.**

**Дўстлар орасида бўлган давр — умрнинг энг тотли дамидир.**

**Аҳиллик дўстлик пойдевори.**

**Ҳақиқатнинг мухлислари — унинг дўстларидир.**

**Дўстни топиш қийин, йўқотиш осон.**

**Қалбаки дўст — очиқ душмандан ёмон.**

**Таъма эвазига дўст бўлиш — пасткашликдир.**

**Одамнинг қалбида юз дўстга ўрин бор, аммо у битта душманга ҳам торлик қилади.**

**Ножўя улфат — боши берк кўчага олиб киргувчидир.**

**Селнинг суви — ҳовузни булғайди.**

**Дўстликнинг гарови — тенгликдир.**

**Дўстлар ораси очилиб қолса, у ердан мушук ўтиши мумкин.**

**Дўст — юзга боқади, душман изга.**

**Дўстликка содиқ бўла олмаган — ўзига ҳам содиқ эмас.**

**Ҳақиқий дўст — қалбнинг қуёши, жоннинг офтоби.**

***БИРЛИК ҲАҚИДА***

**Бирлик — хайру барака манбаи.**

**Кўпнинг ризқи — кўл.**

**Шунинг учун ҳам кўпчиликнинг баракаси борки, оз-оздан жамғарилса, талай нарса йиғилади.**

**Жилғалардан дарё ҳосил бўлади.**

**Кўл-кўлни ювади, икковлашиб юзни.**

**Этсиз тирноқ — ҳеч нарсага ярамайди.**

**Бирлашган куч тоғни талқон қила олади.**

**Бармоқ бўлмаса — қошиқни тутиш қаёкда?**

**(Давоми бор)**

**Ўсиб келаётган авлоднинг маънавий оламини бойитиш, уларни миллий қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, болалар ўртасида бадиий ҳаваскорлик ижодиётини ривожлантириш касаба уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди.**

Танловлар

## САНЪАТ — ЭЗГУЛИККА ЕТАКЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан тизимдаги болалар бадиий ҳаваскорлик жамоалари, ёш ижодкорлар иштирокида «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танловининг шаҳар босқичи ўтказилди.

Танловда «Ўзметмашсаноат» ходимлари касаба уюшма қўмиталари ва «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти тизимидаги маданият муассасаларининг бадиий ҳаваскорлик жамоаларидан анъанавий ижрочилик, эстрада қўшиқчилиги, якка чолғу ва рақс ижрочилиги бўйича олти ёшдан 16 ёшгача бўлган 70 нафардан зиёд ёшлар қатнашди.

Ёш ижодкорлар ва бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг ҳар бир чиқиши ўзига хос файз-тароватли, маҳорат билан ижро этилган гўзал рақслари, дилрабо қўшиқлари томошабинларнинг эътиборини қозонди.

Айниқса эстрада қўшиқчилиги йўналиши бўйича Сергели туманидаги 300-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Ирода Юсупова ижросидаги «Ўзбек боласи» қўшиғи, Учтепа туманидаги 328-мактабгача тарбия муассасасининг тарбияланувчиси Шарафиддин Файзуллаевнинг дуторда якка созандачилик бўйича иштироки, «Ҳумо» бадиий ҳаваскорлик жамоасининг анъанавий ижрочилик йўналишидаги чиқиши, Миробод туманидаги 60-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Комила Холдорованинг «Хоразмча» рақсни чиройли ижро этиши томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлди ва ҳакамлар ҳайъати томонидан юксак баҳоланди. Ғолиблар танловнинг республика босқичида иштирок этади.

— Ёш ижодкорлардаги иқтидор уларнинг келажаги порлоқ эканлигини кўрсатди. Халқимиз табиатидаги санъатсеварлик, эзгуликни тараннум этиш болалар қалбидан жой олаётганлиги, уларнинг тарбиясига ижобий таъсир этаётганлиги қувонарлидир, — деди Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси бўлими мудири Шаҳодат Тўлаганова.

«Истиқлол ғунчалари» кўрик-танловининг барча иштирокчилари Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг дипломлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Улуғбек ПЎЛАТОВ**

## КУНЛАРДАН БИР КУН

Бир зиёфатда жаҳонга машҳур актриса Софи Лорен банк хўжайининг хотини билан танишиб қолади.

— Ниҳоятда гўзал, келишган аёл экансиз. Бемалол кинода роль ўйнасангиз ҳам бўлар экан.

— Мен Софи Лоренман-да...

— Нима бўпти! Исми шарифингизни ўзгартирасиз-қўясиз!

* * *

«Рус авиациясининг «отаси» ҳисобланмиш Жуковский жуда паришонхотир одам бўлган.Бир оқшом ўз уйида меҳмонлар билан узоқ гурунглашгач, ногоҳ ўрнидан туриб, шоша-пиша жўнай бошлайди.

— Ие, йўл бўлсин?- деб сўрашади меҳмонлар ҳайрат билан.

— Кечирасиз, жаноблар, анча ўтириб қолибман, энди уйга бормасам бўлмайди.

* * *

Машҳур итальян композитори Россинига ҳайкал ўрнатмоқчи бўлишганда у эндигина ўттиз ёшда эди.

— Ёдгорлик қанчага тушаркан?- деб сўрайди композитор шаҳар маъмурияти вакилидан.

— Уч юз минг лира.

— Вой-бўй! Уч юз минг лира?- ҳайрат билан хитоб қилади Россини. - Ўша пулни ўзимга бера қолинглар.Мен бунинг эвазига Римнинг қоқ марказий кўчасида кунига бир неча соат типпа-тик туриб бераман.

* * *

Дунёга машҳур рассом Пабло Пикассо бир кишининг портретини чизиб бўлгач, унга деди:

— Мана, расмингиз ҳам тайёр бўлди. Энди ўзингиз унга ўхшашга ҳаракат қилинг!

* * *

Шекспирнинг «Қирол Ричард – 3» трагедиясида немис актёри Девриент роль ижро этаётганди. Актёр «От! От! Отга ярим қироллигимни алмаштираман!» деган ўша машҳур хитобини айтганида томошабинлар орасидан шундай қитмир луқма эшитилади:

— Эшак бўлмайдими?

— Бўлади, келинг тезроқ! - дейди ҳозиржавоб актёр.

**Шодмон ОТАБЕК тайёрлаган**

**Гилос — табиатнинг ноёб неъмати. У пишганда кўм-кўк барглар орасидан тимқора ғуж-ғуж бўлиб кўзга ташланишининг ўзи бир дунё гўзаллик, нафосатдир. Унинг қора гилос, сариқ гилос, тарғил гилос навлари ўзининг ташқи кўриниши, мазаси, шифобахшлиги билан оз бўлса-да фарқланиб туради.**

Табобат оламида

## ГИЛОС — ШИФОБАХШ НЕЪМАТ

Гилос шифобахш бўлгани учун ҳам қадим халқ табобатида камқувватга куч бағишловчи, гулидан эса бод касаллигини даволашда унумли фойдаланиб келинган.

Шуни айтиш керакки, биолог олим Ғайбулла Шерматовнинг илмий таҳлилига кўра, асосан қонни кўпайтирувчи темир, глюкоза, қанд 19,2-20 фоиз, 1,3-1 фоиз органик кислоталар, пектин, шунингдек ич қотишини яхшиловчи ва иштаҳани очувчи В1, бўшашиш — камқувватликнинг олдини олувчи, кўз тинишини даволовчи В2, капилляр — майда қон томирларини мустаҳкамловчи, инсульт ва инфаркт хавфли касалликларининг олдини олувчи РР витаминларга ниҳоятда бойлигидан ташқари, юракка мадор берувчи калий, қонни кўпайтирувчи темир, энг муҳими, иммунитетни кўтарувчи — касалликларнинг олдини олувчи С витаминининг борлиги гилоснинг ниҳоятда шифобахшлигидан далолат бериб турибди.

Кўриниб турибдики, гилосни ғарқ пишган мавсумда 4-5 марта тўйиб-тўйиб истеъмол қилган ҳар қандай инсон турли касалликлардан холи бўлиши турган гап.

Нафақат гилоснинг ўзини, ҳаттоки гилосли тортлар, компотлар, консервалар, айниқса, гилосдан тайёрланган қиёмларни қиш мавсумида истеъмол қилиб туриш, шубҳасиз, турли касалликларнинг олдини олиши мумкинлигини баъзилар билмасликлари мумкин.

Ҳа, гилос мўъжизали, муқаддас она заминимизнинг беназир шифобахш, тотли мевасидир.

**Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ**




*Тошкент шаҳрида **21 май** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 14-19, кундузи — 28-33 даража иссиқ бўлади.*

*Республика ҳудуди бўйича ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 14-16, кундузи — 28-30 даража иссиқ.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **21 май** куни Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
3958 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г- 506

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 14.25 1 2 3 5